СИСТЕМ ТАҲЛИЛ ВА СИСТЕМ ЁНДАШУВ ҲАҚИДА

Д.Ҳ.Қуронов

Мақолада “тизимли таҳлил” (“систем таҳлил”) атамасининг ҳозирги қўлланиши, унинг адабиётшуносликда эскидан қўллаб келинган “тизимли ёндашув” (“систем ёндашув”) тушунчаси билан муносабати масалалари ёритилган.

***Калит сўзлар**: метод, система, компонент, элемент, систем таҳлил, систем ёндашув.*

В статье освещены вопросы современного применения термина «системный анализ», его соотношение с понятием «системный подход», издавна применяемым в литературоведческих исследованиях..

***Ключевые слова**: метод, система, компонент, элемент, системный анализ, системный подход.*

The article describes the use of the term ‘system analysis’ and its relation to the term ‘systematic approach’ which previously was widely used in literary investigations.

***Key words**: method, system, component, element, system analysis, systematic approach.*

XX асрнинг ўрталаридан кейин, глобаллашув жараёнларининг кучайиши баробари ижтимоий-иқтисодий, сиёсий ва маданий ҳаёт ғоят мураккаб тус олиб борди. Ҳозирги кунга келиб аҳвол шундайки, эндиликда оламда “автоном” ҳолда мавжуд бўла оладиган ҳеч бир нарса – на давлат, на иқтисодий тизим, на ишлаб чиқариш, на маданият ва на бошқа бир нима – деярли қолмагани, бирда-ярим қолгани ҳам истаса-истамаса улкан тизимга интеграцияланиб бораётгани тобора теран ҳис этилиб, тан олинмоқда. Зотан, бугунги кун кишиси дунёнинг олис бир бурчида қўзғалган талотўпларни ўзига алоқасиз деёлмайди – ўзининг осойишта кечиб турган ҳаётига таъсир қилиши мумкинлигини савқи табиийси билан сезиб туради; ёки нефть нархининг ўзгариши ё қўшни давлатни домига тортган иқтисодий инқирозга ҳам у асло бефарқ қарай олмайди – булар бугунми эрта ҳамёнига дахл қилишини аниқ билади. Мавжуд шароитда, дейлик, муайян саноат корхонаси муваффақияти уни оқилона бошқариш (яъни тизимни соат мисоли аниқ ва самарали ишлатиш) билангина таъмин этила олмайди, бунинг учун дунёдаги бошқа турдош корхоналар, бозор коньюнктураси, давлатлараро иқтисодий алоқалар, илмий-техник ва технологик тараққиёт тенденциялари каби ўнлаб омилларни ҳам ҳисобга олиш зарур. Демак, корхона бошқарувини самарали амалга ошириш учун унга энди улкан тизимнинг компоненти сифатида қараб, унинг тизимда тутган ўрни, бошқа узвлар билан ўзаро боғлиқлиги ва алоқаси кабиларни назарда тутиш керак бўлади. Ҳолбуки, бир асрлар нарида айни шу корхонага алоҳида тизим сифатида қараб, компонентларининг ички алоқаларини оптималлаштиришнинг ўзи уни равнақ топтириш учун кифоя эди. Модомики, оламий тартибот сезиларли ўзгарган экан, одамнинг шунга мувофиқ ҳаракат қилиши табиий. Шу боис ҳам ўтган асрнинг охирги чорагига келиб – оламда неки бўлса бари бир-бири билан узвий боғлиқлиги бешак эътироф этилган, бу ҳақиқатни бироз муболағали “капалак эффекти” ибораси билан ифодалаш урф бўлган бир шароитда “тизимли таҳлил” тушунчаси ҳам оммалаша бошлади.

Тизимли таҳлилнинг юзага келиши ва оммалашиши компьютер техникаси ишлаб чиқарила бошланган вақтга тўғри келади. Бу бежиз эмас, албатта. Негаки, тизимли таҳлил ғоят мураккаб системалар билан боғлиқ муаммоларни информацион технологиялар имконларидан фойдаланган ҳолда ҳал қилади. Ҳозирги вақтда кенгроқ оммалашган Н.Н.Моисеев таърифида ҳам шу нарса таъкидланган: “Тизимли таҳлил – ЭҲМлардан фойдаланган ҳолда мураккаб техникавий, иқтисодий, экологик ва б. тизимларни тадқиқ этишга йўналтирилган методлар мажмуидир”. Ахборот технологиялари тараққий этгани сари тизимли таҳлил имкониятлари ҳам мос ҳолда кенгайиб боради. Махсус ишлаб чиқилган дастурлар ёрдамида амалга оширилган тизимли таҳлил муайян минтақа, банк-молия ё бошқарув тизими кабиларни ривожлантириш, самарадорлигини оширишга хизмат қилувчи хулосалар олишга имкон беради.

Шу ўринда мақолани ёзишга ундаган саволни қўйиш фурсати етди: майдонга чиққанига ярим асрлар бўлди деганимиз “тизимли таҳлил” билан анча илгаридан маълум “тизимли ёндашув” орасида нима фарқ бор? Юқорида айтилганидек,

тизимли таҳлил деганда мураккаб таркибланган объектларни ўрганиш учун қўлланувчи метод ва воситалар мажмуи тушунилади. Яъни, бошқача айтганда, *тизимли таҳлил* алоҳида метод эмас, балки тадқиқот мақсадидан келиб чиққан ҳолда танланган методлар ёрдамида объектни атрофлича ва чуқур билишга қаратилган амалларнинг умумий номидир. Шундай экан, унда *тизимли таҳлил*нинг ўша ўзимиз билган *тизимли ёндашув* (*системный подход* ёки *системно-целостный подход*)дан фарқи нимада? Агар *тизимли ёндашув* объектни тадқиқ этишнинг асосий тамойилини белгилаб, тадқиқот мақсадидан келиб чиққан ҳолда турли методлардан фойдаланишни кўзда тутишини ёдга олсак, бизнингча, орада принципиал фарқ кўринмайди. Мабодо юқорида келтирилган таърифга асосланган ҳолда *тизимли таҳлил*ни ЭҲМ воситасида мураккаб системаларни тадқиқ этувчи метод, десак, у ҳолда терминда маъно торайиши юз берган берган бўлади. Негаки, бу хил маъно торайишига қадар *тизимли таҳлил* истилоҳи (гарчи қўлланишда сезиларли даражада пассив бўлса-да) *тизимли ёндашув* терминига синоним сифатида ишлатилган. Тизимли ёндашув эса, энг аввало, объект тадқиқига уни система сифатида тушунган ҳолда киришиш бўлиб, унинг доирасида талқиқот мақсадидан келиб чиққан ҳолда хилма-хил методлар қўлланиши мумкин. Тизимли ёндашув тадқиқотчини объектнинг бутунлиги ва шу бутунликни таъминловчи механизмларни очиб беришга, бир томондан, бутуннинг қисмлари (системанинг компонентлари) орасидаги, иккинчи томондан, унинг атроф муҳит билан хилма-хил ва мураккаб алоқаларини аниқлашга йўналтиради. Аён бўладики, *тизимли ёндашув* (ва унга синоним тарзида қўлланган *тизимли таҳлил*) дегани алоҳида метод эмас, балки назарий-методологик йўналиш, тамойилдир. Аксинча, ҳозирда оммалашган ва ЭҲМга таяниб мураккаб тизимларни тадқиқ этишда қўлланаётган *тизимли таҳлил*нинг метод саналгани тўғрироқ бўлади.

Кейинги вақтда ижтимоий ҳаёт, иқтисодиёт, ишлаб чиқариш жараёни, бошқарув соҳаси каби муҳим, ўта мураккаб тизимларни ўрганиш, уларни такомиллаштиришнинг энг оптимал йўлларини излаб топиш, ривожлантириш стратегиясини белгилаш каби долзарб масалаларни ҳал қилишда тизимли таҳлил методидан кенг ва самарали фойдаланилмоқда. Шундан бўлса керак, *тизимли таҳлил методи* муайян маънода урфга айланиб, уни гуманитар соҳага, хусусан, адабиёт илмига татбиқ этиш йўлида саъй-ҳаракатлар ҳам кузатилаётир. Мазкур ҳолат, назаримизда, “Ҳар қандай янгилик – обдон унутилган эскилик” деган ҳикматга монанддир. Зеро, адабиётшуносликда *тизимли таҳлил* эскидан бор, фақатгина уни ўзгача номлар билан – гоҳи *тизимли ёндашув*, гоҳ *тизимли-бутун таҳлил* (“системно-целостный анализ”), гоҳи эса сийрак бўлса ҳам айнан *тизимли таҳлил* номлари билан юритилиб келади.

Эндиликда инсон фаолиятининг тизимли таҳлил қўлланмаётган бирон бир соҳасини топиш мушкул, “гарчи турли соҳаларда ўзини турлича намоён қилса ҳам, барча соҳаларда қўлланади” [1.4]. Дарҳақиқат, ҳозирда бутун дунёда барча соҳаларда тизимли таҳлилга қизиқиш ҳам, эҳтиёж ҳам кучайиб бораётир. Аслини олганда бу ҳолат кеча ё бугун юзага келгани йўқ: тизимли таҳлил илдизлари қадим замонларга бориб тақалади. Шунга қарамай, сўнгги икки аср давомида тизимли ёндашув, тизимли таҳлил масаласи муттасил долзарблашиб келаётгани ҳам айни ҳақиқат. Яна бир муҳим жиҳати, “тизим” тушунчасининг ўзи ҳар бир соҳанинг ўз хусусиятларидан келиб чиқиб тушунилади ва талқин этилади. Негаки, бу тушунча “бошқа кўплаб базавий тушунчалар каби ғоят мураккабдир. Уни ҳар қайси инсон, замонавий менежер ва таҳлилчилар фаолиятида тўқнаш келиши мумкин бўлган барча бутунликларга татбиқ этса бўладиган тарзда аниқ қилиб таърифлаш имкондан ташқарида” [2.23]. Жумладан, “адабиёт”ни тизим сифатида тушуниш адабиётшунослик ҳали алоҳида фан ўлароқ шаклланмасидан аввал юзага келган. Антик даврдардаёқ поэтикада санъат турлари, шакл ва мазмун бирлиги, риторикада матн қисмларининг ички боғлиқлиги, “нотиқ – нутқ – тингловчи” силсиласи каби масалаларга эътибор қилингани тизимли ёндашувнинг илк куртаклари сифатида қаралиши мумкин. Адабиётни тизим ўлароқ тушунишнинг нисбатан тугал ҳолда илк бор немис файласуфи Гегель таълимотида акс этгани эътироф қилинади. Бу ўринда файласуфнинг умуман санъат ҳақида айтган фикри назарда тутилади. Унингча, “санъат” тушунчаси 1) одатий мавжудлик бўлмиш асар, 2) унинг яратувчиси бўлмиш субъект ҳамда 3) ўша асарни қабул қиладиган ва унинг қаршисида тиз чўкадиган субъектлардан таркиб топади [3.383]. Шундан келб чиқилса, санъатнинг бир тури ўлароқ адабиёт тизим сифатида “ёзувчи – адабий асар –ўқувчи” учлигидан таркиб топади. Гегелдан кейин бу силсилага “реаллик” ва “анъана” ҳалқалари ҳам қўшилдики, бу билан “адабиёт” номли тизим тугал ва бутун кўриниш олди.

Аввало, юқорида келтирганимиз “адабиёт” деган тизим таркибидаги ҳар бир компонент ўз навбатида “кичик тизим” (подсистема) бўлиб, улар

ҳам систем ёндашувни тақозо этади. Тадқиқот мақсадидан келиб чиққан ҳолда бу “кичик тизим”лар ҳам алоҳида тизим сифатида, ҳам тизим элементи сифатида ўрганилиши мумкин. Масалан, ўз вақтида “адабиёт” тизимида марказий ўрин тутувчи “адабий асар”ни структуралистлар алоҳида олиб таҳлил қилишни мақсад қилганлар. Бироқ, мантиқан олиб қараганда, бу мақсад фақат асарнинг мазмун томонига мутлақо эътибор бермаган ҳолдагина рўёбга чиқиши мумкин. Шунинг учун ҳам структуралистлар фақат матннинг ўзинигина мавжуд нарса, фақат угина илмий тадқиқ этилиши мумкин деб билганлар. Ўз изланишлари давомида бу хил ёндашув асарни жонсизу жозибасиз, таҳлилни эса гўё кераксизга айлантириб (яъни “таҳлил таҳлил учун”гина амалга оширилгандек тасаввур уйғотиб) қўйиши мумкинлигини ҳис қилиб, мазмун томонга ҳам (элементларнинг функцияси билан боғлиқ) озроқ эътибор қила бошлайдилар. Айтиш мумкинки, айни шу нуқтадан том маънодаги структурализм тугайди. Бундай дейишимизга асос шуки, шакл ва мазмун бирлигини эътироф этиш билан улар асарга алоҳида система деб қарашдан “адабиёт тизими”нинг компоненти деб қарашга ўтадилар. Негаки, улар юқорида келтирганимиз “адабиёт тизими”нинг “реаллик – ёзувчи – адабий асар” томонини ҳар қанча инкор қилишмасин, энди, “адабий асар – ўқувчи” ҳалқасини эътиборга олмоқдалар, зеро, матнга ўзлари (яъни ўқувчи) англаётган мазмуннигина юклай оладилар. Қаранг, тадқиқотда шакл-мазмун бирлиги тамойилини тутиш биланоқ систем ёндашув юзага чиқмоқда, чунки шакл-мазмун бирлиги системанинг қадимдаёқ англанган жавҳарларидан биридир.

Замонавий талқиндаги систем таҳлил объектни ҳар томонлама ва тугал: компонент ва элементларининг тизимдаги ўрни ва функцияларини тўла тавсифлаган, уларнинг ўзаро муносабат ва алоқаларини муфассал очиб берган ҳолда ўрганишни кўзда тутади. Ҳолбуки, “адабиёт тизими”ни шу тарзда, яъни барча компонент ва элементларини тўла тавсифлаган, уларнинг барча турдаги алоқаларини очиб берган ҳолда ўрганиш, биринчидан, имкондан ташқарида, иккинчидан, бунга ҳеч бир зарурат йўқ. Ахир, дейлик, ҳалқалардан бири “реаллик” бўлса, уни тўла тавсифлаб бўладими? Ёки “анъана”ними? Йўқ, албатта. Булар фақат тизимнинг марказий компоненти – адабий асар нуқтаи назаридан ва унга узвий боғлиқ ҳолда ўрганилади. Зеро, масалан, реалликни социология, тарих, сиёсатшунослик каби ўнлаб соҳалар ўрганади, улар бу иш билан неча-неча замонлардан бери шуғулланиб келишади – бироқ изланишлари ҳануз давом этаётир ва давом этажак. Аён бўляптики, адабиётшуносликда систем таҳлилни тугал амалга ошириб бўлмайди. Шуни назарда тутиб “адабиётни систем ўрганиш соҳасидан умуман чиқариб олиш мақсадга мувофиқ” [4.351] деган фикр ҳам ўртага ташланганки, бизнингча, унда маълум даражада жон борлигини, жиллақурса, шундай ўйлашга асос мавжудлигини тан олмаслик мумкин эмас.

Фикримизча, адабиётшунослик илмида *систем таҳлил* терминидан кўра *систем ёндашув* терминини қўллаш мақсадга мувофиқдир. Чунки бу ҳолда, биринчидан, уни замонавий талқиндаги систем таҳлилдан фарқлаган бўламиз; иккинчидан, бу термин бажарилаётган амалнинг моҳиятига кўпроқ мос келади. Иккинчи даъвомизнинг асоси шуки, 1) систем таҳлилни тўла амалга ошириб бўлмайди; 2) бир тадқиқот давомида система, масалан, адабий асарни тўла ва муфассал тавсифлаш имкони ҳам, зарурати ҳам йўқ; 3) объектга ситема ўлароқ ёндашиб, мақсаддан келиб чиққан ҳолда уни турли методлар воситасида тадқиқ этилади ва шунга кўра, 4) систем таҳлил номли алоҳида тадқиқот методи йўқ, тадқиқотнинг йўналишини белгиловчи илмий-назарий тамойил бор.

Ниҳоят, систем ёндашувнинг адабиётшунослигимизда янгилик эмаслиги ҳақида. “Чўлпон поэтикаси (насрий асарлари асосида)” номли докторлик ишим 1998 йилда ҳимоя қилинган бўлса-да, у 1996 йил сентябрда тайёр қилиниб, кафедрага топширилган эди. Яъни унинг устидаги иш, асосан, 1995 – 1996 йилнинг биринчи ярмида кечган. Ушбу тафсилотларни келтиришдан мурод мустақилликнинг илк йиллари совет давридаги кўп нарсалардан, жумладан, тадқиқот методларидан ҳам “кечиш”, уларни тўла инкор қилишга мойил бўлинган ҳолатни ёдга солишдир. Хусусан, ўша йиллари 99 фоиз илмий ишлар билишнинг универсал методи диалектикага асосланган бўлса-да, айрим қисқа ўйлаган кишилар уни ҳам “шўро” қолдиғи деб билиб, илмий ишларда методология сифатида кўрсатилишига қарши бўлганлар. Шунга ўхшаш социологик метод ҳам тавқи лаънатга учраган эди. Айтмоқчи бўлганим, ҳимоя жараёнларининг силлиқ, бежанжал ўтиши учун ушбу методларни авторефератларда кўрсатмаслик маъқул кўрилар, “иш кўрган” – яъни бу жараёнларни бошдан кечирганлар ҳам шуни маслаҳат берардилар. Хуллас, ишда (қайсарлик сабаб диалектикани урғулаган бўлсам-да) қўлланган методларнинг барини ҳам кўрсатиб ўтирмаганман.

Тадқиқотимнинг умумфалсафий асоси бўлмиш диалектика универсал метод сифатида умуман

дунёни англашнинг асосий тамойилларини белгилади. Ишда қўйилган илмий муаммо эса ўтган асрнинг охирги чорагида шўро адабиётшунослигида оммалашган систем-бутун (*системно-целостный*) ёндашув асосида тадқиқ этилганки, у моҳиятан систем ёндашувнинг ўзидир. Зеро, бунда ҳам, биринчидан, тадқиқот мақсадидан келиб чиқиб тизимнинг муайян элементлари таҳлилга тортилгани ҳолда ўша элементлар бутуннинг қисми эканлиги ҳар вақт назарда тутилади; иккинчидан, систем-бутун ёндашув доирасида қўйилган мақсаддан келиб чиққан ҳолда бошқа турли тадқиқот методларидан фойдаланиш мумкин. Шу ўринда систем-бутун ёндашув асосида тадқиқотимда фойдаланилган методлардан айримларини санаб ўтиш мақсадга мувофиқ.

Социологик метод (бу метод ҳам у пайтлар қарғишга учраган, адабиётни санъат сифатида ўрганиш керак, бошқа ҳаммаси бекор, деган қараш устувор эди). Ушбу метод воситасида жадидчилик ҳаракати ва адабиётининг моҳияти, юзага келиш омиллари ва поэтик ўзига хослиги масалалари ёритилган. Шунингдек, социологик методга биографик методни тобелантирган ҳолда Чўлпоннинг илк насрий асарларидаги ғоявий-бадиий ўзига хослик очиб берилган.

Қиёсий-типологик таҳлил методи Европа маърифатчилик ҳаракати ва Туркистон жадидчилик ҳаракати ўртасидаги умумий типологик хусусиятларни ўрганиш, шу асосда Европа маърифатчилик адабиёти билан жадид адабиёти орасидаги ўхшаш ва фарқли томонларни аниқлашга ёрдам берди.

Биографик метод. Чўлпонни “Кеча ва кундуз” романини ёзишига олиб келган омилларни аниқлаш, унинг асар ёзилган пайтдаги маънавий-руҳий ҳолатини тасаввур (ҳис) қилиш, шу асосда асарнинг етакчи поэтик хусусияти – “ниқобланиш” усулининг моҳиятини очиб бериш ва асослашга имкон берди.

Семиотик таҳлил. Ушбу метод ўзига биографик, социологик ва қиёсий-типологик методларни тобелантирган ҳолда Чўлпоннинг “Йўл эсталиги” сафарномасидаги белгилар (образлар) мазмунини очиб бериш ва асослаш мақсадида қўлланди.

Структурал таҳлил. Бу методдан Чўлпон ҳикояларининг бадиий мукаммаллигини кўрсатиб бериш, жумладан, “Қор қўйнида лола” ҳикоясидаги барча элементларнинг ўзаро горизонтал ва вертикал алоқага киришиши ва охир-оқибат юзаки қараганда англанмайдиган маъноларни юзага чиқаришини намойиш этиш учун фойдаланилди.

Психологик таҳлил методи Чўлпон яратган қаҳрамонлар руҳияти билан боғлиқ жиҳатларни, шунингдек, биографик автор ҳаётининг у ёки бу босқичида қандай руҳий ҳолатда бўлганини тасаввур қилиш, “Кеча” романида акс этган субъектнинг ғоявий-эмоционал муносабатини ёритишга хизмат қилди.

Экстрополяция методи. Ушбу метод биографик, социологик ва қиёсий-типологик методлар кўмагига таянган ҳолда “Кеча ва кундуз” романининг йўқолган иккинчи қисми қандай бўлиши мумкинлигини илмий фараз қилиш, ушбу илмий фаразни ҳам назарда тутган ҳолда мавжуд қисм моҳиятини ўзгачароқ талқин қилиш имконини берди.

Синчиклаб қаралса, ишда булардан бошқа методлар ҳам қўлланганини кўриш мумкин, лекин ҳозир гап сонда эмас – ушбу методларнинг бари систем-бутун ёндашув доирасида қўлланганида. Зеро, Чўлпон насрий асарлари поэтикаси ўрганар экан, ҳар бирининг система ва айни чоқда ҳаммаси битта система экани; улар ижодкор шахси (система), яратилган давр шарт-шароитлари (система), миллий ва жаҳон адабиёти анъаналари (система) билан боғлиқ экани, ўқувчи (система)нинг қарашларига боғлиқ ҳолда турлича тушунилиши мумкинлиги назарда тутилди. Шулардан келиб чиқиб, тадқиқотнинг илмий-назарий тамойили *систем(-бутун) ёндашув* бўлган деб ҳисоблайман. Муҳими, айни ёндашув асосидаги тадқиқотлар адабиётшунослигимизла бунга қадар ҳам, гарчи урғулаб айтилмаса ҳам, бўлган. Бас, ҳозирда айрим соҳаларда урф бўлган ва самарали қўлланаётган методни адабиётшуносликка гўё янгилик мисоли татбиқ этишга уриниш мутлақо ортиқча ва кераксиз бир ишдир.

Адабиётлар:

1. Каримова В. ва бошқ. Тизимли таҳлил асослари. Дарслик. –Т.: Ўзбекистон файласуфлари миллий жамияти, 2014.

2. Ракитов А. И. Системный анализ и аналитические исследования: руководство для профессиональных аналитиков. – М., 2009

3. Гегель Г. Энциклопедия философских наук. Философия духа. – М., 1977

4. Лашманов Д.М. Системный подход в исследовании искусства // Искусство и научно -технический прогресс : Сб. ст.- М., 1973.- С. 347–359

5. Храпченко М.Б. Размышления о ситемном анализе литературы.// Художественное творчество, действительность, человек.- М.: Советский писатель, 1978.- С.315-333

5. Болтабоев Ҳ. Филологик таълимда тизимли таҳлил. Ўқув услубий мажмуа. – Т., 2016.

Андижон давлат университети,
2017 йил 14 январда қабул қилинган
(Тақризчи: проф. Й.Солижонов)